

ЧОРВАЧИЛИҚДА АКУШЕР ГИНЕКОЛОГИК ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация: В данной статье описана сущность акушерско-гинекологической диспансерной работы в животноводстве, а диспансеризация в животноводстве имеет большое значение в профилактике многих акушерско-гинекологических заболеваний, своевременном выявлении заболеваний, профилактике бесплодия самок крупного рогатого скота, получении здорового приплода. Акушерско-гинекологический диспансер обычно проводится одновременно в определенный период. Диспансеризация считается важной частью технологического процесса и не исключает ежедневного зоотехнического и ветеринарного контроля за здоровьем животных, текущими и плановыми мероприятиями. Диспансерный осмотр включен в годовой план ветеринарных мероприятий.

Abstract: This article describes the essence of obstetric and gynecological dispensation work in cattle breeding, and dispensation in livestock breeding is of great importance in preventing many obstetric and gynecological diseases, timely detection of disease, prevention of infertility in female cattle and obtaining healthy offspring. Obstetric and gynecological dispensation is usually carried out at the same time in a certain period. Dispensary is considered an important part of the technological process, and does not exclude daily zootechnical and veterinary control over animal health, current and planned activities. Dispensary inspection is included in the annual plan of veterinary activities.

Калит сўзлар: қорамол, бўғозлик, диспансеризация, акушер-гинекологик, репродуктив органлар, мацион, мастит, эндометрит, лактация, елин, туғриқ даври, бенуштлиқ, гунажин, рацион.

Кириш. Республикамизда чорва ҳайвонлари, айниқса сигирларнинг гинекологик касалликларини камайтириш, уларни даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш энг асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чорвачилик соҳасига замонавий инновацион усулларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва чорвачилик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-120-сонли қарори қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда фермер ҳамда хусусий хўжалиқлардаги қорамоллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, улардан соғлом насл олиш мақсадида тўғри парваришлаш ва турли юқумли, инвазион ва юқумсиз хусусиятли касалликлардан сақлашда акушер-гинекологик диспансеризация ишларини ўз вақтида тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботидир.

Мавзунинг долзарблиги. Диспансеризация соғлом, маҳсулдор, конституцияси мустақкам пода яратишга йўналтирилган режали диагностик, профилактик ва даволаш тадбирлари комплексини ўз ичига олади. Диспансеризациянинг асосий мақсади ҳайвонлар организмда касалликнинг эрта босқичида хасталикни ўз вақтида аниқлаш ҳисобланади, бу касаллик тарқалишининг тезроқ

олдини олиш ва барҳам бериш имконини яратади. Фермер хўжалиқлари ва аҳоли қармоғидаги чорвачиликни интенсив кўпайтиришни ташкил этишни такомиллаштириш сигирларнинг сабабсиз қисир қолиши ва чиқим бўлишини камайтиришга қаратилган режали кундалиқ ишларни назарда тутади.

Сигирларнинг репродуктив органлари функциясини оширишнинг энг самарали йўли поданинг наслдорлигини акушерлик-гинекологик диспансеризация кўриқдан ўтказиш ҳисобланади. Акушерлик-гинекологик диспансеризация кўриқ деганда ҳайвонларнинг репродуктив қобилияти ва маҳсулдорлигини сақлаш, уларни ўз вақтида уруғлантириш ва соғлом насл олишга қаратилган чорва молларини ветеринария хизмати кўрсатиш тизими тушунилади.

Акушерлик диспансеризация кўриги, бу диспансер кўриқ давомида диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари комплекси бўғозлик, туғиш ва туғриқдан кейинги даврни таъминлашга қаратилган. Қуйидаги чора-тадбирларни тавсия этади.

1. Ойда бир марта бўғоз сигирларнинг қони биокимёвий текширувидан ўтказилди, елин яширин мастит учун секретция таҳлили билан текширилади. Ҳар ўн кунда бериладиган озиқанинг озуқавий қиймати аниқланади ва қон ва озуқа таҳлили маълумотларига асосланиб, бўғозликнинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда озиқалар ўзгартирилади. Рационга минерал витамин қўшимчалари ва бошқа компонентлар киритилади. Сутдан чиқган бўғоз си-

гирлар ва бўғоз ғуножинлар ҳар куни сайрлар (матцион) ташкил этилади. Биноларда микроклим параметрларини кузатиб борилади.

2. Туғишига 50-60 кун қолганда уларни сутдан чиқариш амалга оширилади сигирларни ўз вақтида ва тўғри сутдан чиқаришда ширали концентранган озуқа беришни икки бароборга камайтириб, сифатли пичан миқдори оширилади. Бу даврда пичан миқдори ва сифати кузатилади. Бу даврда елиннинг ҳолати ҳам кузатилади.

3. Сигирлар ва ғунажинларни туғишга тайёрлашда туғилишдан икки ҳафта олдин уларнинг ратционидан ширали озиқалар концентранган емлар икки баравар камайтирилади ва ратционда углеводларга бой озуқалар мавжудлигига алоҳида эътибор бериб, сифатли беда пичан берилади.

4. Сигир ва ғунажинларнинг ўз вақтида туғишга тайёрлашда туғишидан икки ҳафта олдин тизимли равишда назорат қилинади. Ғунажинлар елини секин уқалаш орқали соғишга ўргатилади.

5. Туғишдан кейинги даврда эрта акушерлик диспансеризация кўриқдан ўтказилди, унинг мақсади туғриқдан кейинги оғир асоратларни олдини олиш ва репродуктив органларнинг ҳолатини ташхиллашдан иборат.

Туғиш жараёнини ҳисобга олган ҳолда, барча бўғоз сигирларни уч гуруҳга бўлиш тавсия этилади.

Биринчи гуруҳга меъёрий туғиш жараёнида бўлган сигирлар киради. Бу ҳайвонларда лохиянинг ажралиши, шишнинг йўқолиши вақти, ташки жинсий аъзоларнинг ҳолати, тос суягининг боғловчи бўғин ва сут безининг ҳолати назорат қилинади. Жинсий органларнинг инволюцияси жараёнларини тезлаштириш учун ушбу гуруҳнинг сигирларига туғилгандан 3-4 кун ўтгач, юриш ёки кўпроқ матцион берилади.

Иккинчи гуруҳга ҳомиланинг қийин чиқиши ва йулдошнинг 6-8 соатгача ёки ундан кўпроқ вақт давомида ушлаб турилиши, кейинчалик унинг ўз-ўзидан ажралиши каби туғилишнинг асоратлари бўлган сигирлар киради. Бундай ҳайвонларга тери остига бачадон қисқартирувчи (окситоцин, прозерин, утиратон ва бошқалар), бачадон ичига маҳаллий препаратлар карбоказ ихлүковит, йодопэн қўйилади ва 3-4 кун кўпроқ юриш матцион қилдириш зарур бўлади.

Учинчи гуруҳга туғриқ ва туғриқдан кейинги даврда туғриқ асоратлари билан акушерлик ёрдами кўрсатилган сигирлар киради. Бу гуруҳдаги сигирларда туғриқдан кейинги оғир асоратлар ривожланиши мумкин. Кейинчалик бепуштликга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳайвонлар

туғилгандан кейин 7 ва 14 кундан кейин яна текширилади.



Акушер гинекологик диспансеризация текшириш натижалари, кўрилган даволаш ва профилактика чоралари махсус журналда қайд этилади. Акушерлик асоратлари билан касалланган сигирларни даволаш стационар даволаш пунктида, фермада бўлса махсус ажратилган кўраларда амалга оширилади. Бундай даволашни ўтказишда сигирларни тўғри боқиш ва қўйилган талабларга риоя қилишга алоҳида эътибор бериш керак. Ветеринария-санитария қоидалари билан биргаликда, ҳар бир хўжалик учун махсус ишлаб чиқилган схема бўйича унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, сигирларда туғриқдан кейинги асоратларни мажбурий фармакопрофилактикасини амалга ошириш керак.

Гинекологик диспансеризация кўриқ ҳайвонларда бепуштликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга, уларнинг репродуктив орган ҳолати ва юқори сут маҳсулдорлигини тиклашга қаратилган диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари мажмуасидир. Сигирлар туққандан 45 кун ўтгач, ғунажинлар эса физиологик етукликга эришгандан сўнг гинекологик текширувдан ўтказилади. Иш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади; а) анамнез маълумотларни тўплаш, б) озиклантириш ва яшаш шароитларини ўрганиш, в) қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари, д) озуқанинг кимёвий таҳлили асосида озиканинг таркиби, е) озуқавий қийматини аниқлаш, г) туғмайдиган сигирлар ва ғунажинларни гинекологик текширувдан ўтказиш.

Акушер гинекологик диспансеризация одатда маълум бир даврда бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Шу муносабат билан бу ҳодиса акушер гинекологик диспансеризация текшируви деб аталади. Кўрсаткич вақтига қараб улар ажратадилар. Ҳар ойида ўтказиладиган диспансеризация қўйидаги тадбирларни ўз ичига қамраб олади ойлик акушер-

лик гинекологик диспансирзация: Бўғоз сигирлар учун ректал текширув уруғлантирилгандан кейинги даври 2-3 ой бўлган сигирларда; бепуштликнинг клиник ва гинекологик текшируви сигирлар ва ғунажинлар; лактация ва сутдан чиқган сигирларни клиник ва субклиник маститга текшириш; бепушт сигирларни даволаш; репродуктив органларини рағбатлантириш тухумдондан овулятцияни синхронизациялаш: жинсий циклни нормаллаштиришни поданинг кўпайиши ва умумий ҳолатини таҳлил қилинади.

Мавсумий акушерлик-гинекологик диспансирзация кўриги ҳайвонларни яйловга чиқаришдан олдин ва қишлоқ учун фермага қайтганда ўтказиладиган диспансирзация.

Ушбу акушер гинекологик диспансирзация кўрик кўйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- туғмайдиغان сигирлар ва ғунажинларни клиник ва гинекологик текшириш;
- маҳсулдорлиги паст;
- хўжалик учун фойда келтирмайдиган қари(зуббрак);
- бепушт ярқисиз сигир ва ғунажинларни репродуктив органларида физиологик жихатдан талабга жавоб бермайдиганларини пода структурасидан чиқариш;
- жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар ва инвазияларнинг лаборатория диагностикаси (агар кўрсатилса);
- озуқа сифатини таҳлил қилиш; поданинг кўпайиш ҳолатини таҳлил қилиш ва сигирларнинг репродуктив орган функциясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.

Акушер гинекологик диспансир кўригидан ўтказишда фермадаги барча сигирлар репродуктив органининг тизимининг ҳолатига қараб, бўғозлик даври, туғриқдан кейинги даври, куйикиш даври, уруғлантириш даври, уруғлантирилган сигирлар ректал текширувда бўғозлиги аниқ бўлган даври, бепуштлик даврларига бўлинади. Алоҳида, эндометрит билан оғриган, жинсий аъзолар ёки сут безлари тўқималарида қайтмас патологик жараёнлар билан оғриган ҳайвонлар ҳисобга олинади. Тадқиқот натижалари тўғрисидаги маълумотлар “Акушер гинекологик диспансирзация кўрик доскасида ва урғочи касал ҳайвонларни даволаш журнали”га киритилади. Гинекологик касал ҳайвонларни даволаш журналида кўйидаги графалар бўлиши тавсия этилади: серия рақами, туғилган йили, охириги тукқан санаси, уруғлантириш санаси, бўғозлик ректал текшириш натижалари ёки бепуштлик сабабларини аниқлаш,

терапевтик ва профилактика чора-тадбирлар, эслатмалар. Охириги графада кўпинча сигирларнинг брак қилиш сабаблари ҳақида маълумотни ўз ичига олади.

Хулосалар.

1. Акушер-гинекологик диспансирзация кўрик ҳайвонларда бепуштликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашга, уларнинг репродуктив орган ҳолати ва юқори сут маҳсулдорлигини тиклашга қаратилган диагностика, даволаш ва профилактика тадбирлари мажмуасидир.

2. Акушер-гинекологик диспансирзация кўрикларни ўтказиш ветеринария врачлари (гинеколог), бош сонини тиклаш учун олиб бориладиган ишлар сунъий уруғлантириш оператори, бош зоотехник, ферма мудирлари, хўжалик бошқаруви раиси ҳамда чорвачиликга тааллуқли барча мутахассислар зиммасига юклатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ата-Курбанов Ш.Б., Б.М.Эшбуриев. Ветеринария акушерлиги фанидан амалий-лаборатория машғулоти. Самарқанд, 2009. 236 б.
2. Багманов М.А. Акушерско-гинекологическая патология коров (диагностика, комплексная терапия и профилактика) // Монография. – Ульяновск, 2005. – 207 с.
3. Кузьмич Р.Г. и др. Лечебно-профилактические мероприятия при акушерских и гинекологических болезнях коров. Метод. Пособ. Витебск. 2012. 44-с.
4. Некрасов Г.Д., Суманова И.А. Акушерство, гинекология и биотехника воспроизводства животных: Учебное пособие. Барнаул: Изд-во АГАУ, 2007. 204 с.
5. Сороколетова В.М., Горб Н.Н. Акушерство и гинекология. Болезни органов репродуктивной системы сельскохозяйственных животных инвазионной и инфекционной природы. Учебное пособие. Новосибирск. 2013. -52 с.
6. Эшбуриев Б.М., Эшбуриев С.Б., Жуманов С.М. Ветеринария акушерлиги фанидан амалий-лаборатория машғулоти. Ўқув қўлланма. СамДУ таҳририй-нашриёт бўлими. ISBN: 978-9943-63-19-7-7. Самарқанд 2020.
7. Эшбуриев Б.М. Ветеринария акушерлиги. Дарслик. Тошкент. 2018.
8. Студенцов А.П., Шипилов В.С. и др.; Ветеринарная акушерство, гинекология и биотехника размножения/-7-е изд., перераб. И доп. – М.: Колос, 1999.